



ТОШКЕНТ

ТО'ЛОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 150 (10.455)

2005 йил 3 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кичик

● **АЙНИ** кунларда «Камолот» ЕИХ Миробод туман Кенгаши қошидаги ўқув марказида маҳалла ёшлари учун Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда ташкил этилган араб, турк тиллари ўқув курслари машғулоти давом этмоқда.

● **КЕЧА** Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежида Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилоятлари касб-хунар таълими тизими раҳбарлари иштирокида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими янада такомиллаштириш чораларига бағишлаб ташкил этилган ҳудудий семинар нияосига етди.

● **КЕЧА** Тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмасида тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган янги қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти масалаларига бағишланган ўқув семинарида шаҳримизнинг фаол тадбиркор аёллари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни «Аския деҳқон бозори» очик акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси очилди.

● **КЕЧА** «Туркистон» маҳалласида ўтказилган «Ёшлик сайли» тадбири «Камолот» ЕИХ Яққасарой туман Кенгаши томонидан ташкил этилди.

● **КЕЧА** «Роҳат» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Бектемир туман Кенгаши ва Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларидида ташкил этилган давра суҳба-тида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги «Диёр» болалар богчаси туман халқ таълими бўлими томонидан капитал таъмирдан чиқарилди.

● **GERMANYADAN** келтирилган замонавий технологиялар билан таъминланган Картография илмий ишлаб чиқариш корхонаси янги ўқув йилига тайёргарликни бошлаб юборди. Корхона 4, 11-синфлар учун географик хариталарни етарли равишда тайёрлаб қўйди.

● **КЕЧА** «Миришкор» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Бектемир туман Кенгаши ташаббуси билан кўчма оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
Фармойишига
мувофиқ 1 авгу-
стдан пойтахти-
миз туманлари-
да қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотлари ярмаркалари
очилди. Мамлакатимиз мустақил-
лигининг 14 йиллигига бағишлан-
ган бундай тадбирлар нафақат
Тошкент шаҳри, балки Қорақал-
поғистон Республикаси ва барча
вилоятлар марказларида ҳам
ташкил этилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

Мазкур аънавий ярмарка бу
йил ҳар қанчондиган қўп — қирқ кун
— 10 сентябргача давом этади.
Бу юртдошларимизнинг қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларига бўлган
эҳтиёжини янада тўлароқ қонди-
риш имконини беради. Яна бир
янгилик — илгари бундай савдо
пойтахтимиз туманларининг фақат
бир жойида ўтказилган бўлса,
бу йил қўшимча ўттиз бешта яр-
марка иш юритмоқда.

Шу тарика пойтахтликлар ва
шаҳримиз меҳмонлари жами 46
та савдо ярмаркасидадан картош-
ка, олма, узум, қовун-тарвуз,
гўшт, асал, туҳум каби ўнлаб тур-
даги қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

ларини бозордагидан анча арзон
наҳрларда харид қилмоқдалар.

Чилонзор туманидаги яр-
маркаларда ўзларининг сархил
мева, сабзавот ва полиз маҳ-
сулотлари билан савдо
қилаётган Андижон вилояти
вакиллари айтишича, улар
пойтахт аҳлига қамиди икки
минг тоннага яқин маҳсулот
етказиб беришга аҳд қилган.
Ярмарканинг биринчи кунини
қарийб юз тонна маҳсулот со-
тилди. Ярмаркада сотувчи-
лар учун ҳам, харидорлар учун
ҳам барча шарт-шароитлар
яратилган.

— Одатда харид учун «Фарх-

од» бозорига тушардим, — дей-
ди харидор С.Улуғмуродов. — Бу-
гун андижонлик деҳқонларнинг
ярмаркасида картошка, пивз,
олма, нок ва узум сотиб олдим.
Ҳаммасидан ҳам «Асака» фер-
мер хўжалигининг асали менга
жуда маъжул бўлди. Нархи бозор-
дагидан анча арзон. Хурсанд
бўлдим. Улуғ байрамимиз ара-
фасида шундай хайрли ишларни
уюштирганларга раҳмат!

ОЛИМ НОРБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ
СУРАТЛАРДА: ярмарка-
лардан лавҳалар.

ДИЛШОД ЮСУПОВ олган
суратлар.



Қўшма корхоналарда

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРАЛИҒИ БИЛАН

Пойтахтимизда «BEFA-LUX» маркаси остида тайёрланаётган шампунлар фақат сочла-
рингиз парвартишини таъминлабгина қолмай, сизга чирой бағишлаб, ўзингиз ва атрофдаги-
лар кайфиятини кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу соч ювиш воситалари шаҳримизда икки
йилдан буюн фаолият кўрсатаётган «BAW
Chemicals LTD» қўшма корхонасида ишлаб чи-
қарилмоқда. Энг муҳими эса «Ўзбекистонда тай-
ёрланган» ёрлиқи қўшма корхона маҳсулоти
бўлган 13 турдаги шампунлар ҳар қандай ми-
жоз талабига тўла жавоб бериб, сочлар жило-
сини таъминлаш баробарида соғломлигида ҳам
муҳим ҳисса бўлади.

— Асосий мақсадимиз ички бозорни импорт
ўрнини босувчи рақобатбардosh маҳсулотлар билан
таъминлаш ва келгусида экспортни ҳам
йўлга қўйишдир, — дейди корхонанинг марке-
тинг масалалари бўйича менежери Сафарбой
Ўлдошев. — Цехларимиз халқаро тоифадаги
стандартга эга бўлган Австрия ускуналари билан
жиҳозланган бўлиб, катта ёшдагилар ва
болалар учун тайёрлаётган турли хил шампун-
ларимиз ISO 9001:2000 халқаро сертификатига
эга. Ҳозирда асосий хом ашё хорижий ҳам-
корлар томонидан келтирилмоқда. Шампунлар-
ни тайёрлашда уларнинг қандай сочларга
мўлжалланганини, шифобахшиликка ҳам эъти-
бор қаратаётганимиз харидорлар сафи кенгай-

ишида муҳим омил бўлмоқда. Корхонамизни
асосий хом ашё билан таъминловчи Австрия-
нинг «BEFA» компанияси хусусида тўхталади-
ган бўлсак, у 1976 йилдан буюн Европа бозори-
да косметика маҳсулотлари ва маиший кимё
товарлари ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг етакчи
фирмалари билан ҳамкорлик қилади ва унинг
фаолиятида сифат биринчи ўринга қўйилган.

Қўшма корхона тадбиркорлари ҳозирда янги
маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга тайёр-
гарлик кўришмоқда. Бу турли хил ювиш воси-
таларилидир. Шунингдек, маҳсулотни четга чиқари-
ш борасида ҳам сый-ҳаракатлар давом эт-
моқда. Қўшни Афғонистон ва бошқа давлат-
ларга сифатли товарлар экспорт қилиниши
кўзда тутилган. Улар ойига 100 минг доллар-
лик маҳсулотни четга сотишни мўлжаллашмоқ-
да. Албатта, ишлаб чиқаришни ривожлантириш
ва янги маҳсулот турларини тайёрлашда бозор-
ни ўрганиш, тадбиркорликка қаратилган
этиборни тўғри англаган ҳолда уни ўз фаоли-
ятида татбиқ этиш яхши самара бермоқ-
да.

САИДКАРИМ БОБОСАИДОВ

XVI сарфоси

Барча мактаблардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча мамлакатимиздаги
касб-хунар коллежлари ҳамда
академик лицейларда махсус
синовлар бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Марказий Осиё-
да қишлоқ хўжалик савдо-сотиқ
сиёсати» мавзусида халқаро ан-
жуман ўтказилди. Бир неча хал-
қаро ташкилотлар томонидан
ташкил этилган мазкур анжу-
манда аграр соҳадаги ҳамкор-
ликнинг долзарб муаммолари
муҳокама қилинди.

● Чирчиқ шаҳрида Республи-
камиз Мустақиллигининг 14
йиллиги муносабати билан кенг
кўламдаги ишлар амалга оши-
рилмоқда. Жумладан, А.Қоди-
рий кўчасида қад ростлаган
янги дўкон ва аҳолига маиший
хизмат кўрсатиш мажмуаси ўзи-
нинг илк мижозларини кутиб
олди.

● «Камолот» ёшлар ижтимо-
ий ҳаракати Марказий Кенга-
шида «Ёшлар терроризмга
қарши» мавзусида бўлиб ўтган
тадбир ёшларнинг терроризмга
бўлган нафратини яна бир бор
ифодалаб берди.

● Андижон вилоятида жорий
йилнинг биринчи ярмида
мулкчиликнинг барча шакллари-
даги корхоналар томонидан
554,6 миллиард сўмлик саноат
маҳсулотлари ва 391,3 милли-
ард сўмлик истеъмол моллари
тайёрланди.

● Навоий вилоятида Репро-
дуктив саломатлик маркази
фойдаланишга топширилди. Бу
туғиш ёшидаги хотин-қизлар-
нинг соғлигини муҳофаза қилиш
ва уларни вақтида тиббий назор-
атдан ўтказиб туриш имкони-
ятларини янада кенгайтиради.

Жаҳонда

● Мисрда мамлакат раҳбари
лавозимига номзодларни рўйхат-
га олиш жараёни бошланди.
Мазкур жараён 4 августга қадар
давом этади. Президентлик сай-
ловларини эса 7 сентябрда ўтка-
зиш кўзда тутилган.

● Судан маъмурлари мамла-
кат вице-президенти Жон Га-
раннинг ҳалокатидан сўнг ом-
мавий тартибсизликларнинг
бошланиши муносабати билан
мамлакат пойтахти Хартум шаҳ-
рида комендантлик соатини жор-
ий эттиди.

● Саудия Арабистонининг 81
ёшли қироли Фаҳд Бин Абдул
Азиз Ал-Сауд ҳаётдан кўз юмди.
Эндиликда мамлакатни тахт
вориси бўлган шаҳзода Абдулла
ибн Абдул Азиз Ал Сауд бошқ-
аради.

● Мисрнинг махсус хизмат ва-
киллари қўлга олиш чоғида қар-
шилик кўрсатганилиги сабабли
Шарм-Аш-Шайх шаҳрида тер-
рорчилик ҳаракатларини амал-
га оширишда бош ғумдондор
ҳисобланмиш Мухаммад Аҳмад
Солих Фулейфилни отиб ўлди-
ришди.

Бу борада ғайрат-шижоати баланд, жаҳон андозалари даражасидаги бунёдкорлик ишларини амалга оширишга қодир моҳир бунёдкорларнинг ҳиссалари катта. Негаки, йил сайин, ҳафта сайин, кун сайин, ҳаттоки соат сайин қаддини ростлаётган кўркам биною файзли иншоотлар уларнинг изланишлари, касбига меҳр-салоқатлари маҳсулидир.

Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, айни кунларда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам қурувчиларнинг ўзига хос ҳиссалари бўлиб, бу ерда яшовчи ва меҳнат қилувчи аҳолига қулайлик яратиш, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашда амалга оширилаётган юмушларнинг аҳамияти катта.

Насиб этса, Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёналарини арафасида бу ердаги кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилади. Шу боис айни ёзнинг саратонида ҳам қурувчиларнинг кўли-қўлига тегмаепти. Қурилиш майдонида керакли бунёдкорлик ашёларини келтираётган юк машиналарнинг кети узилмайди, бунёдкорга мададкор бўлаётган, оғирини енгил этаётган замонавий техник воситаларининг шовқини тинмайди. Бу албатта, самарали меҳнатдан дарак.

Эски шаҳарнинг Зарқайнар ва Сағбон кўчалари ҳам ўзгача чиroy очган. Ушбу кўчаларда бунёд этилган кўплаб бинолар бунинг яққол далилидир. Айни кунларда ҳам мана шу икки кўча чорраҳасида муқташам бир иморат қад ростлаб бoшлади. 3 қаватдан иборат "Ўзбек либослари уйи галереяси" деб номланган ушбу бино битган пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига жаҳон андозалари да-

ражасида хизмат кўрсатилади. Бу ерда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган енгил саноат корхона-

шодиёналарида фойдаланишга топшириш ниятидамиз. Шу боис ҳам ҳозирда ишни 2 сменада ташкил

Мустақиллик иншоотлари



ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИ

Капитал қурилиш соҳасида ҳам иншоотлар амалга оширилаётган мустақиллик йилларида қад ростлаган иншоотлар бехисобки, улар нафақат ўзининг кўриниши билан, балки пойтахтимизни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарлари қаторидан унoсoб ўрин эгаллашига қўшган ҳиссаси билан аҳамиятлидир.



ларининг замонавий ва миллий кийим-кечаклари намойиш этилади. Шунингдек, бинода модалар ательеси ҳамда савдо уйлари мижозларга талаблар даражасида хизмат кўрсатиши кўзда тутилган.

Иншоот қурилиши жорий йилнинг май ойида бошланган бўлиб, лойиҳаси "Арх" ижодий лойиҳа гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланган. Қурилиш-тиклаш ишларини эса "ZEROMAX-AGROTECHS" хорижий шўъба корхонаси бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Бугунги кунда ушбу қурилиш майдонида 800 нафар қурувчи фаолият кўрсатиб, асосан каркас ишлари ниҳоясига етди, эндиликда эса гишт териш юмушлари давом этмоқда.

— Ушбу иншоотдаги қурилиш-тиклаш ишларини қизғин олиб боришимизнинг асосий боиси, — дейди участка бошлиғи Баҳодир Ражабов, — уни Мустақиллигимизнинг 14 йиллик

ган, тиббий хизмат пункти соғлиқлари ҳақида кечаю кундуз қайғуради. Қурувчилар маҳорати ҳақида тўхталадиган бўлсак, бино фойдаланишга топширилгач бу яққол кўзга ташланиши, шубҳасиз. Шу боис ҳам сидкидидан меҳнат қилаётган ишбошилар Рустам Исмаилов, Евгений Баратов, геодезист Алмаз Исмоилов, бригадир Алишер Қурбонов, меҳмор Мурод Тоштемиров ва бошқаларнинг номларини алоҳида таъкидласа бўлади.

Ҳеч шубҳа йўқки, қад ростлаётган замонавий иншоот Эски шаҳар кўркини янада оцади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Барно Сулаймонов, Алмаз Исмоилов ва Соли Қозоқовлар қурилиш майдонида; гишт териш ишлари давом этмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР КЕЛАЖАГИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга ишбилармонларимизнинг эркинлиги ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда Президентимизнинг июнь ойида қабул қилган бир қатор Фармонлари ва Қарори муҳим қафoлат бўлди, деб ишонч билан айта оламиз. Мазкур ҳужжатлар моҳиятини тушунириш ва кенг тарғиб этиш мақсадаларида жойларда давра суҳбатлари, семинарлар, анжуман ва тadbирлар ўтказилмоқда. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани филиали ҳамкорликларида ўтказилган семинар йиғилиш ҳам айни шу мавзуга бағишланди.

Унда Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси департаменти, туман фуқаролик суди ишлари бўлими, туман солиқ инспекцияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Шайхонтоҳур туман кенгаши, туман статистика бўлими, туман тadbиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси каби қатор давлат назорат органлари ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва албатта туманда фаолият юритаётган тadbиркорлар қатнашдилар.

— Айни кунларда, — деди жумладан семинарда сўз олган Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси департаменти бошлиғи Наримон Абдужабборов, — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Фармонлари ва Қарори юзасидан тушунтириш ишлари олиб бoрилмоқда, соҳа мутахассислари томонидан қўллаб-қувватлаш чўқур мулоҳазали фикрлар, ўринли таклифлар билдирилмоқда. Юзма-юз учрашувлар, мулоқотлар тadbиркорларимизнинг янги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан ўзларини қизиқтирган

саволларига мутасаддилар изоҳида қониқарли жавоблар олишига имкон яратмоқда. Аммо бу борада ҳали айтиладиган фикр-мулоҳазалар, таклифлар, саволлар жуда кўп...

Мазкур семинарда 50 нафардан ортиқ тadbиркор иштирок этиб, қўллаб-қувватлаш, таклифлар билдирилди, муаммолари ҳақида гапирилди, саволларига жавоб олди.

— Ўтган ойда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар тadbиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бунинг остида халқимизнинг, юртимизнинг эртанги

куни, — келажагимиз истиқболи назарда тутилаётгани яққол кўриниб турибди, — деди Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Одилжон Аширов. — Маълум бўлишича, ҳали ўнлаб шу каби меъёрлар киритилди, қонунларга тегishi ўзгариши ва қўшимчалар бўлади, бунинг жуда муҳимлиги, шубҳасиз. Биз авваламбор қонун томонидан манфаат ва ҳуқуқларимизнинг таъминланиши ва ҳимоя этилиши тарафдоримиз. Аҳамиятга молик томони шундаки, ушбу жараёнда нафақат турли соҳа мутахассислари, балки солиқ тўловчиларнинг ўзи ҳам қатнашмоқда. Шу боис ҳам ҳар биримиз бу жараёнда фаол бўлишимиз, ҳамжихатликда ҳаракат қилишимиз даркор.

Бир сўз билан айтганда, семинар-йиғилиш давомида назорат органлари ва тadbиркорлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўнатилганлиги келгусида ўз самарасини бермай қолмаслигига ишонч туғилди.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

Истеъмолчилар

ҳуқуқлари қонун

ҳимоясида

РЕЖАЛАР РЎЁБГА ЧИКМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 30-моддасида «...Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмалари» дейилади. Шу маънода Сергели туманидаги 33 та маҳаллада истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши йўлида таянч гуруҳ раҳбарларини тайинлаш бўйича ҳисобот сайлов мажлислари ўтказилди. Таянч гуруҳлари учун 50 фоиз маҳалла идораларида етарли шарт-шароитлар яратилди, жой билан таъминланди.

— Хар сешанбада «Очиқ эшиклар кун» ўтказилиб келинмоқда, — дейди туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раҳбари Васпия Нисозова. — Қувонарли томони шундаки, бизга мурожаат этувчилар орасида фақат шахримиз аҳолиси эмас, балки республикаимизнинг турли бурчакларида яшовчи истеъмолчилар ҳам мавжуд. Биз имкон қадар уларнинг ҳам ҳуқуқларини муҳофаза этмоқдамиз.

Жамият томонидан аҳолидан тушган ариза ва шикоятлар мунтазам равишда ўрганиб бoрилмоқда. Агар биринчи чорак якуналарини таҳлил этсак 26 та ёзма равишдаги шикоят, 25 та ҳуқуқий маслаҳат, қоммунал соҳадан 15 та муаммо ижобий ҳал этилганлигини кўрамиз.

Ҳозирда Сергели-5, Сергели-6, Спунтик-12 (53-ўй) мавзелаарида яшовчи аҳолининг иссиқлик ўтказиш бўйича берган аризалари ўрганилмоқда. Шу жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмининг ишга солиш орқали Сергели-5 мавзеси бўйича 90 та хонадоннинг суд орқали истеъмолчилик ҳуқуқлари ҳимоя этилиб, улардаги қўтарилган муаммолар туман, шаҳар ҳўҳалик судларида атрофлича кўриб чиқилди.

Соҳага доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар иқросини таъминлаш мақсадида тумандаги 6 та коллеж раҳбарлари, мураббийлари билан учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, «Эркин Осиё», «4-Автобус саройи», «12-Автобус саройи» каби корхоналар билан шартномалар тузилди.

Бугунги ёшларнинг қонун меъёрларидан хабардор бўлиши ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган янги давлатчиликимизда ўзига хос аҳамиятга эга. Шу мақсадда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъмол маданиятини оширишни таъминлашга қаратилган «Энг зукко ёш истеъмолчи» — 2005» кўрик-танлови, мактабларда ўқув семинарлари ўтказилди. Айниқса, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларда тумандаги 2, 284, 301, 300, 304-мактабларда таълим олаётган ўқувчилар фаол иштирок этишди. Туман мактаблари миқёсида ўтказилган кўрик-танловда 284-мактаб ўқувчиси Нигора Умарова биринчи, 2-мактаб ўқувчиси Артём Константинов иккинчи, 284-мактаб ўқувчиси Эрик Бекмуратовларнинг учинчи ўринга лойиқ деб топилиши фикримиз далилидир.

Албатта, интилиш бор ҳойда самара ҳам бўлади. Бунинг учун қатъият, ишни режалар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Сергели туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти жамоасига белгиланган вазифа ва режаларни амалга оширишда куч-қувват тилаб қоламиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Бектемир тумани 1990 йилда ташкил топган. Эгаллаб турган ер майдони 2050 гектарга тенг. Мустақиллигимиз билан деярли тенгдош бўлган мазкур туманда ўтган йиллар давомида кўплаб маданий-маиший объектлар, замонавий гузарлар қад ростлади. Бир нечта йирик ишлаб чиқариш корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда.



Мустақиллик медалари



БЕКТЕМИР БУГУНГИ КУНДА

Туман марказида жойлашган «Астро-бод» маҳалла мўлжалланган гузарда туман аҳолисининг энг хушнуд дамлари нишонланади. Барча қулайликларга эга Г.Красницкий номидаги стадион ҳам туман аҳолисининг мазмунли ҳордиқ чиқариши, спорт машғулоти билан мунтазам равишда шугулланишлари имконият яратиб беради.

Эртанги нурафшон келажак учун дадил қадам ташлаётган туманда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда Тошкент шаҳар Мехнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мекнатга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан «Тонг машина» хусусий корхонасига иш ўринларини ташкил этиш мақсадида 20 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда туманда фаолият юритаётган «Мармакс» (бетон темир йўл шпаллари) ва «Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» кўшма корхоналари ҳам айнан Истиклол йилларида бунёд этилган бўлиб, уларнинг самардорлиги йилдан йилга ошмоқда.

2005 йилнинг олти ойи давомида туманда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 26,9 миллиард сўмни, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат даромадлари 6,1 миллиард сўм (102,6 фоиз)га, туман бюджети - 730,4 миллион сўм (102,9 фоиз)га тенг бўлди.

Тумандаги 5 та умумтаълим мактаблари ва 2 та боғча-мактаб маж-

ўтган йиллар мобайнида тиббиёт соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, туманда 525 кишига мўлжалланган шифохона тўлиқ




му а с и 2004-2005 ўқув йилини 5966 на ф а р ўқувчи билан бошлади. «2004-

қувватга эга бўлди.

Маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфида 5 та кутубхона, 2 та маданият уйи ва 1 та болалар мусика мактаби мавжуд. Ҳозирги кунда туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан спорт иншоотларини сертификатлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Туманда спортнинг 11 тури бўйича 40 та спорт тўғараклари йўлга қўйилган. Уларга 2370 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Бундан ташқари, туман ҳудудида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг «Қуюв механика заводи» шўъба корхонаси ҳам жойлашган бўлиб, бу ерда тармоққа тегишли эскирган вагонлар тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда.



Транспорт

РЕЖА АСОСИДА

Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллигига пойтахтимиз транспортчилари катта ҳозирлик кўришмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси томонидан ҳам бу борада қатор тadbирлар белгиланди.

Бу жараёнлар янги тузилган тармоқ комиссияси иш режаси асосида амалга оширилмоқда. Компания корхоналарида сифатли таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳаракат таркибларининг қатъий жадвал бўйича ишлаши таъминланади.

Маҳалла қўмиталари билан биргаликда корхоналарда байрам дастурлари ҳам тайёрланмоқда.

ЯНГИ АВТОСТАНЦИЯ

Метронинг «Чорсу» бекати ён-атрофида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳудудда янги автостанция ҳам маскан топди.

Шаҳар йўловчилар ташвиш автобусларининг бу шохбёкати замонавий лойиҳа бўйича рўёбга чиқди.

Автостанция Эски Жўва деҳқон бозорини пойтахтнинг турли ҳудудларини транспорт воситалари билан боғлайди. 20 га яқин йўналишда қатнай-диган автобуслар шу ердан қатнайди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли 3, 4, 8, 12, 18-автобус саройларига бириктирилган транспорт воситалари қатнови йўналишларини намунали ташкил этиш жадваллари ҳам белгиланди.

КОРХОНА ОДИМЛАРИ

Бундан ўн йил муқаддам пойтахт аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш учун яна бир катта қулайлик муҳайё қилинган эди. «Ипак йўли автотранспорти» корхонасининг ишга тушиши билан қатор йўналишлар очилди.

«Икарус-260», «Отайўл 1-29» русумли автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Корхона кўлаб «Дамас» автобусларига ҳам эга бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, «Ипак йўли автотранспорти» хизматидан Тошкент вилоятининг бир қатор туманлари йўловчилари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Жумладан «Юнайтед Корпорейшн» шўъба корхонасида 100 нафар ходим ишлайди. Жамоа шартномасига асосан бу ерда меҳнат аҳлининг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Ушбу муҳим юридик ҳужжатга биноан ходимларга 15 иш кунлик ва 18 ёшга тўлмаган ва ногирон ходимларга эса 30 иш кунлик меҳнат таътили белгиланган. Бундан ташқари ходимларда фарзанд туғилиши, янги

футбол жамоаси 2004-2005 йилларда кичик бизнес, матлутот кооперацияси, савдо ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшмалари шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган спартакиадада қатнашиб, икки фахрлий туртинчи ўринни эгаллаб, тармоқдаги футбол жамоалари орасида энг кучлилардан бири эканлигини намойиш этди. Интилганга толе ёр де-ганларидек, жамоанинг мақ-

лар. Сўнгра «Энг яхши палов пиширадиган ошпаз», «Интеллектуал мусобақа» каби беллашувлар ўтказилди. Мазкур мусобақаларнинг голиблари компания ҳисобидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Моддий манфаатдорлик иш унумдорлигига хизмат қилди. Шу мақсадда умумхалқ байрамларида ходимларга шифокор тавсияси билан йўлланма тарқатилмоқда ва



Жумладан, Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан Сергели туманидаги АРТ ШОУ боғида байрам сайли ўтказилиб, 127 та ташкилотдан 1000 нафар киши иштирок этди. Сайил қатнашчилари спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, голиблар эса дипломлар ва совғалар билан тақдирланди. «Турор», «Каратэ» спорт клублари золарини кўргазди чиқишлари, корейс фольклор ансамбли, «Дилфуза ШОУ» масъулияти чекланган жамиятининг эстрада гуруҳи каби бадий-хаваскорлик жамоаларининг маданий дастурлари барчада қизиқиш уйғотади. Шунингдек, корхоналаримизда баракали ишлаган меҳнат фахрийларининг оилаларига, 18 нафар муҳтож оилаларга, Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйига моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кўни

Компаниямизда спорт тадбирларида жиддий аҳамият

риш жамоатчилик фонди тузилиб, спорт-соғломлаштириш базасини ривожлантиришга, соғломлаштириш жараёнига меҳнаткашларнинг кенг қатламлари жалб этилишига кўмаклашмоқда. Ишчи-ходимлардан 124 нафари Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. 80 нафар ходимнинг «Чор-



Людмила ТЕН,
«Холдинг групп» МИГ
масъулияти
чекланган жамияти
бирлашган касба
уюшма кўмитасининг
раиси

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш касба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиб, меҳнатга омилкорлик билан ёндошиш корхонани ижтимоий жиҳатдан равақ топишига хизмат қилади. Бу борада кичик бизнес, матлутот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшмаси Мирзо Улуғбек тумани кенгаши касба уюшмаси тасарруфидagi корхоналарда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

уйга кўчишлари, яқин кишининг вафот этганлиги муносабати билан, 2-3 кунлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллари берилмоқда. Корхонада ходимларнинг саломатлигига жиддий аҳамият қаратилмоқда. «Голденг Винг» кафеси замонавий жиҳозланган бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қондалари талабларига қатъий амал қилинади. Хусусан, жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси бўйича 10 та модда мавжуд бўлиб, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар йили тадбирлар ўтказилмоқда. Моддий манфаатдорлик-муваффақият омиллидир. Ҳар бир ходим таътилга чиқаётганда корхонанинг мавжуд имконияти доирасида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, умумхалқ байрамлари арафасида ҳам ходимлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун мурожаат қилган ходимларга Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасига чипталар берилмоқда.

«Туркор-Тел» шўъба корхонасида эса 35 киши меҳнат қилмоқда. Ушбу шўъба корхона телефон тармоқларига тегишли корхоналарга, АТС ларга хизмат кўрсатади. Корхонада ойлик иш ҳақи ўз вақтида берилади. Меҳнат таътили 15 кунни ташкил этиб, қўшимча таътил эса ходимга иш бевури томонидан заруратдан келиб чиққан ҳолда берилади.

Корхонада спортни оммавийлаштиришга, турмуш тарзига айланишига катта аҳамият қаратилмоқда. Ушбу меҳнат жамоасининг «Пуркор» мини-футбол жамоаси бўлиб корхона ҳисобидан ижарага олинган майдонда ишчи-хизматчилар ҳар ҳафтада спорт билан шуғулланмоқдалар. «Пуркор» мини-

сади фаол иштирок этиш билан бирга совринли ўринларни эгаллаш, голибликка сазовор бўлишдир.

Бундан ташқари соғлиқни мустаҳкамлаш мақсадида мурожаат қилган ходимларга корхона бошланғич касба уюшма кўмитасидан Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасига чипталар берилмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани кичик бизнес, матлутот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшма Кенгашининг хизмат доирасидаги «Нурон ЛТД» қўшма корхонаси, «Нурон савдо» масъулияти чекланган жамияти, «Атрии» ваколатхонаси, «Петер Век» ваколатхонаси, «Зумрад Химоя» адвокатлик фирмаси масъулияти чекланган жамияти, «НЖ сервис» масъулияти чекланган жамияти, «Нурон ипак» масъулияти чекланган жамиятиларда касба уюшмалари бирлаштирилиб, бирлашган касба уюшма кўмитаси тuzилган. Бирлашган касба уюшма кўмитасининг раиси Аклима Якушкина айни вақтда ушбу компаниянинг «NURON NEWS» кўп тиражли газетасининг муҳарриридир. Ушбу кўп тиражли газета компаниянинг ютуқлари, муаммолари, режалари ҳамда бошқа янгиликларни компаниянинг бўлимлари ва қизиқувчиларига етказмоқда.

Соғ танда-соғлом фикр деб бежиз айтилмаган. Ходимларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун Чорвоқ, Оқтош ва Чимёндаги дам олиш масканларида ишдан ташқари вақтда жамоа бўлиб ва оилавий тарзда ҳордиқ чиқариш ташкил қилинмоқда.

Компания фаолияти бошланганига ўтган йилнинг 23 апрел кўни 12 йил тўлгани муносабати билан ходимларга маъмурий ҳисобидан байрам тадбири ташкил этилди ва улар байрам дастурхонининг азиз меҳмони бўлди-

уларнинг тушлиқда овқатланишлари учун маблағ ажратилмоқда.

Ёшларни меҳнатга муҳаббат, касбга ҳурмат руҳида тарбиялашда касб байрами муносабати билан уюштирилган тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Байрам тадбирини спорт мусобақаларисиз тасаввур этиш қийиндир. Спортнинг турмушимиз тарзига айланиб бораётганлиги инсонни ҳар жиҳатдан баркамол ва меҳнатимизнинг баракали бўлишига хизмат қилмоқда. Жумладан, касб байрами муносабати билан Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истирокат боғида «Отам, онам ва мен-спортчилар оиласи» мусобақасида шахмат-шашка, стол тенниси баҳсларида жами 14 нафар вакилимиз фаол қатнашиб шахмат доналарини моҳирона сурган Мирхотам Зокиров туманининг шарафини муносиб ҳимоя қилиб, тармоқ бўйича миқёсидаги спартакиадада биринчи ўринни эгаллаб, галаба нашидасидан баҳраманд бўлди ҳамда шаҳар Кенгаши томонидан эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Мини-футбол бўйича тармоқ шаҳар биринчилигида 20 та жамоа қатнашиб, туманимиз вакили «ДСС Экспресс» масъулияти чекланган жамиятининг «ДНЛ» футболчилари биринчи ўринни эгаллаб голиб чиққанини гоёғ кувонарлидир. Спорт кишиларни хайрли ишларга чорлаши, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши билан ҳам меҳнат жамоасида аҳил-иноқликни мустаҳкам бўлишига, иш унумдорлигининг ҳамда обрў-эътиборининг орттиришига хизмат қилади деб ўйлайман.

Дилшод АХМЕДОВ,
Кичик бизнес, матлутот кооперацияси, савдо ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшмаси Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши раиси

ИЖТИМОИЙ ХИМОЯ

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

БОЛА КУЛГУСИДАН ОЛАМ МУНАВВАР

Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш, мазмунли маданий дам олишини ташкил этиш касба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Жазирама ёз фаслида табиатнинг сўлим гўшасидаги хушманзара, гўзал оромгоҳда тоғнинг мусавффо хавосидан мириқиб нафас олиб, мароқли ҳордиқ чиқариш нақадар гаштли, гоёғ фойдалидир.

«Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилгандек мустаҳкам бўлади» дейишгандек, таъбир жоиз бўлса болаликдан жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан тарбия қўрган инсон қамолга етади. Бунда албатта у ҳордиқ олган оромгоҳнинг ўзига хос ўрни бор. Оромгоҳ — боланинг беғубор қалбида дам олиш маскани, тарбия ўчоғи сифатида ўзига хос таассурот қолдиради. Келажигимиз ворисларини муносиб инсон қилиб тарбиялаш, улар юрагида унутилмас, ёрқин хотира қолдиришга интилиб меҳнат қилиш бесамар бўлмайди. Уларнинг майин табассуми миннатдорчилик тўғрисида ифодалайди десам муболаға бўлмайди.

«Узэлектроаппарат» очик акциядорлик жамиятининг «Зафар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бўстонлик туманининг Чимёни сўлим табиат гўшасидаги лагерьида, Сир-синаотга бой афсоналар, қўшна ривоятларга тўйлиқ бўлган, қадим тарихдан хикоя қилувчи тоғлар баргиди пойтахт аҳлининг севимили дам олиш масканига келган киши Бўстонлик туманининг Марказий Осиёнинг Швейцарияси деб бежизга аталмаслигини, бу гўзал қиёсашлар ўринли эканлигини қалбдан чуқур ҳис этади. Шак-шубҳасиз, табиатнинг чиройига мафтун бўлиб келган ота-оналар ҳам йўл чарчогини сезмай, фарзандларининг мириқиб дам олаётганидан хотиржамлик сезиб, шодон кайфиятда уларига қайтадилар. «Зафар» болалар соғлом-

лаштириш оромгоҳида ўз ишини севган аҳил жамоа меҳнат қилади.

Ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи ва иккинчи навбатидида ушбу сўлим гўшада 694 нафар болалар, жумладан, Оролбўйи меҳнат аҳлининг 60 нафар фарзандлари ҳордиқ чиқарди. Ёзги мавсумнинг учинчи навбатидида эса 382 нафар бола соғломлаштирилмоқда.

Оромгоҳ ҳаётини турли маданий-тарбиявий тадбирлар, спорт мусобақаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу йилги ёзги мавсум ўзига хос файзли бўлиб, «Зафар» болалар оромгоҳи ташкил топганлигининг 35 йиллиги нишонланади. Бу эса зиммамизга янада катта масъулият юклайди.


Ватанга муҳаббат, ўтмишга ҳурмат, келажакка ишонч каби миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида болаларни қамол топтириш тарбиявий фаолиятимизнинг бош йўналишларидир. Ёзги соғломлаштириш мавсумининг ҳар бир навбатлари мобайнида қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, «Юнус Ражабий» маданий марказидан ташриф буюрган санъаткорлар «Ўзбекистон кўйлар ва оханлари» номли концерт дастурини намойиш этдилар. Шунингдек, оромгоҳда ўтказилган турли маданий тадбирлар орасида «Клип-шоу», «Эртақ қаршиш» да меҳмонда ва айниқса, «Гулфала, янада Ўзбекистон» номи билан ўтказилган «Кувнок экспресс» тадбири болаларда катта қизиқиш

уйғотиб, мустақил Ватанимизда эришилаётган ютуқлар, ўтмишимиз урф-одатларимизни акс эттириб, ватанпарварлик, қардошлиқ, тинчлик, дўстлиқни улуғлашга хизмат қилди. «Демин-бўй» гуруҳи санъаткорларининг маданий дастури ҳам болаларда яхши кайфият ҳосил қилиб, бир олам завқ-шавқ бағишлади. Зеро, санъат барчани эзгу мақсад сари бирлаштирувчи кучга эга бўлиб, шу жиҳати билан бекиёс тарбия воситасидир.

Оромгоҳ ҳаётини тўғрақарқис тасаввур этиш қийин. Моҳир кўйлар тўғрагида болалар рақс тушиш, тикшиш-бичиш, буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланадилар. Таъбир жоиз бўлса, боланинг касб ёки ҳунар соҳиб бўлишига тўғрақарқис тасаввур этиш қийин. Моҳир кўйлар тўғрагида болалар рақс тушиш, тикшиш-бичиш, буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланадилар. Таъбир жоиз бўлса, боланинг касб

ёки ҳунар соҳиб бўлишига тўғрақарқис тасаввур этиш қийин. Моҳир кўйлар тўғрагида болалар рақс тушиш, тикшиш-бичиш, буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланадилар. Таъбир жоиз бўлса, боланинг касб

ёки ҳунар соҳиб бўлишига тўғрақарқис тасаввур этиш қийин. Моҳир кўйлар тўғрагида болалар рақс тушиш, тикшиш-бичиш, буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланадилар. Таъбир жоиз бўлса, боланинг касб



кулгусини эшитганда кўпчиликнинг меҳнати самарали бўлганидан гоёғ кувонаман. Шунинг учун ҳам бола кулгусида шодлик муҳассам деб бежиз айтилмайди.

Муқаддас МИРЗАРАХИМОВА,
«Узэлектроаппарат»
акциядорлик жамияти
касба уюшма
кўмитасининг раиси

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

Спортнинг оммавийлигини ошириш меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш, халқаро майдонларда Ватанимизнинг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак маҳоратли спортчиларни тарбиялаб қамол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Тошкент шаҳар касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгаши томонидан муайян самарали ишлар қилинмоқда. Хамда юқори натижаларга эришилмоқда. Айниқса, Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактабининг тарбияланувчилари эришаётган натижалар эътиборга лойиқдир. Жумладан, мазкур мактабнинг талабаси Д. Обиджонов яқинда бокс бўйича Покистонда ўтказилган Осиё биринчилигида 81 килограммга вази тоифасида галаба қозониб китъада тенгсиз эканлигини, Ватанимиз спортчиси нима-ларга қодирлигини намойиш этди. Боксчимиз галабаси шарафига давлатимиз мадҳияси тантанавор янграб, байроғимиз юксакликка яна бир бор кўтарилди. Спорт гимнастикаси бўйича Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган Қозоғистон

кубоги Халқаро турнирида ва кўп курашнинг айрим турлари бўйича Қозоғистон очик биринчилигида вакиламиз Т. Русанова ҳурмат шоҳсупасининг фахри иккинчи поғонасини эгаллади. Шунингдек, спортнинг мазкур тури бўйича Болгариянинг Варна шаҳрида ўтказилган «Олтин кўмлар» халқаро турнирида умидли спортчи Л. Галиули-на мусобақанинг голибаси деган шарафли номга муассар бўлди. Ангил атлетика бўйича беллашувларда ҳам ушбу мактабдан етишиб чиқаётган ёш спортчилар халқаро мусобақаларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқдалар. Умидли спортчи Гўзал Хуббиева югуриш бўйича халқаро беллашувларда фаол иштирок этиб, Таиландда ва Филиппинда ўтказилган халқаро мусобақаларда 100 метрлик, 200 метрлик масофага югуришда фахрли ик-

кинчи, Шри-Ланкада эса 100 метрликда иккинчи, 200 метрликда фахри учинчи ўринни эгаллади. Яна бир вакиламиз Замира Амирова Таиланд, Шри-Ланка, Филиппинда ўтказилган ангил атлетика мусобақаларида 400 метрлик масофага югуриш бўйича туртинчи ўринга сазовор бўлди. Халқаро миқёсдаги мусобақаларда фаол қатнашиш спортчи тажрибасининг ошишига, маҳоратининг юксалишига ва пировард натижада эса жаҳон биринчилиги, Олимпиада ўйинлари каби улкан мусобақаларда муваффақиятли қатнашиш, галаба қозониш сари етакловчи ўзига хос пиллаога бўлиб хизмат қилади.

Саидмахмуд ЯХЪЕЕВ,
Тошкент шаҳар касба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти Кенгаши раиси

РАНГ-БАРАНГ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИМОҚДА

Тадбиркорларга давлат миқёсида катта ёрдам кўрсатилётганлиги, уларнинг фаолияти ривожига жиддий аҳамият берилаётганлиги гоёғ кувонарлидир. Бу муштарак мақсадлар йўлида касба уюшмалари ҳам меҳнат аҳлининг манфаати учун бор имкониятни ишга солиб хизмат қилмоқда.

Болалар — бизнинг келажигимиз бўлиб, туманимиздаги 185 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. Маънавий-инсонни юксакликка етказиш, Ишчи-хизматчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида маҳаллаларда турли мавзуларда семинарлар, тантанали кечалар уюштирилди. Бу кечаларда бадий-хаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ташкил этилди. Бундай тадбирлар айниқса, «Оқибат», «Ўзгариш», «Баҳор», «Тинчлик», «Ёшлик», «Гулистон», «Маданият», «Кипчоқ» маҳаллаларида кўпалаб ўтказилиб, шу ерда истикомат қилаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий жиҳатдан ёрдам берилди. Бундан ташқари маҳаллаларда ёзги таътил даврида болалар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил қилинди. Ёшларимизнинг тарбияси намунали бўлиш мақсадида маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида диний-ақидарастлик, ичкиликбозлик ва гийвандликнинг олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш, маъмурий органлар ва

диний ташкилотларнинг мутахассислари билан суҳбатлар ҳамда учрашувлар ўтказилмоқда. Учрашувларга маҳаллада истикомат қилувчи ёшлар тақлиф этилиб, тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари маҳаллаларда истикомат қилаётган пенсионерларни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар тайинлаш борасидаги меҳнат қонунчилиги билан таништириш мақсадида савол-жавоблар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундай фойдали тадбирлар айниқса, «Нилуфар», «Мустақиллик», «Наврўз» маҳаллаларида ташкил этилиб, иштирокчиларда яхши таассурот қолдириди. Меҳнат аҳлига наф келтириш хайрли иш бўлиб, фаолиятимиз мобайнида бундай ишларни сидқидилдан давом эттирамиз.

Шоира ШАМШИЕВА,
Кичик бизнес, матлутот кооперацияси, савдо ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг Сергели тумани бўйича вакили

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган суд-хуқуқ ислохотлари самараси ўлароқ, одил судлов тизими демократлаштирилди. Давлатимиз раҳбари 2000 йил 14 августда суд юрисдикцияси қамровини кенгайтириш, қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлашда суднинг ролини ошириш мақсадида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

СУД БУЙРУҒИ ИНСТИТУТИ САМАРАСИ

— Мазкур Фармонга биноан одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш учун мавжуд умумий юрисдикция судлари негизда фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилган. Бу суд ишларини содда-лаштириш ва одамларни ортқиқ овозгарчиликдан халос этишга қаратилган муҳим ўзгаришдир.

Суд буйруғи - ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни нисосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир. У ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ислохотлар туфайли амалдаги қонунларга фуқаролар учун қулайлиқлар туғдираётган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонунга мувофиқ жорий этилган суд буйруғи ин-

ститути шулардан биридир.

Мазкур қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси «Буйруқ тартибидан иш юритиш ҳақида»-ги янги боб билан тўлдирилди. Бу суд ишларини содда-лаштириш ва одамларни ортқиқ овозгарчиликдан халос этишга қаратилган муҳим ўзгаришдир.

Суд буйруғи - ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни нисосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир. У ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Илгари бундай ундирувлар бўйича фуқаролик ишлари албатта суд мажлисида кўриб чиқилар, ҳар икки томон ҳам судга чақирилиб, ортқиқ овозгарчиликка йўл қўйилар эди. Эндликда қонунчиликка киритилган бу янгилик туфайли фуқароларнинг мурожаати суд

мажлиси чақирилмасдан, тегишли ҳужжатлар асосида ҳал этилади. Бунда талаб қонуний ва тўла асосланган бўлса, судья уни қондириш юзасидан буйруқ чиқаради. Буйруқни ижро этиш суд қарори ва ҳукмлари каби мажбурийдир.

Айтиш жоизки, агар талаб ёзма битимга асосланган бўлса, ундирувчи ўз талабининг нисосизлиги, жумладан, жавобгар томонидан тан олингани ҳақидаги ҳужжати судга тақдим қилиши лозим. Бу суд буйруғи чиқариш учун асосий талаблардан бири бўлиб, бундай далил бўлмаган тақдирда буйруқ бериш рад этилади.

Қарздор битимни бажаришдан бош тортаётганлиги кўрсатилган талаб нисоли бўлганлиги сабабли судлар томонидан буйруқ чиқариш ўз-ўзидан рад этилади. Агар талабнинг бир қисми нисосиз, бир қисми эса нисоли бўлса, уларни алоҳида кўриш имкони бўлмаса, бундай талаблар умумий даъво тартибда кўриб, ҳал этилади.

Оила кодексининг 96-моддасига мувофиқ, ота-она вояга етмаган болаларини ҳар томонлама таъминлаши шарт. Шунга

кўра, вояга етмаган бола таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги талаб нисосиз ҳисобланади. Шу боис бундай талаб оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилади.

Ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида судья томонидан арз қилинган талабнинг мазмуну бўйича суд буйруғи чиқарилади. Буйруқ судья томонидан имзоланган, нисосиз дарҳол қарздорга юборилади. Қарздор уни олган, ўн кун муддат ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли. Белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз тушмаса, судья тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим этади.

Фуқаролар ўртасидаги нисоли бўлмаган фуқаролик муносабатларининг бу усулда тартибга солиниши уларнинг ўз вақтида ва сансалорликларсиз ҳал этилишига қаратилган суд ислохоти самарасидир.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ўн мингдан ортқ талаб бўйича суд буйруқлари чиқариш орқали фуқаролар ўртасидаги муносабат тартибга солинди. Шунингдек, улардан 75 миллион сўмга яқин давлат боғи ундирилди. Дийқатга сазовор жойи шундаки, фуқаролик ишлари бўйича судларда иш қўлами камайиб, самарадорлик ошгани яққол кўзга ташланмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Шарқ дурдоналари



● Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Сукротни айблади. Сукрот унга: «Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мумкин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан!» — деди.

Бойлардан яна бири Сукротга: «Сен жуда камбағал ва қуруқ кўлсан» — деди. Сукрот эса унга: «Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг!» — деб жавоб берди.

● Тўғрилик одамни бало-дан қутқаради.

Байт:

Ҳар кишига учта иш
одат эрур,
Анга ҳамдам хуш
саодат эрур.

Авалло эл айбини
кўрган замон,
Осмағай озгин
маломатга шу он.

Ким агар кетса
нотўғри йўл билан,
Тўғри йўлга бошла
дарҳол кўл билан.

Солма асло ранж
элнинг дастига,
Ўз юкинг қўйма
бировнинг устига.

● Яхши дўст туганмас хазина.

● Дўстлар дийдоридан ортқ қувонч, фироқидан ортқроқ ҳам йўқ.

● Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўста айлансин.

● Агар одам ўз ҳаёт йўлида яхши танишлар орттирмас экан, у тезда яккаланиб қолади.

● Кимки нуқсонсиз дўст ахтарса, дўстсиз қолади.

● Дўстдан кечгандан кўра сўздан кечган яхши.

● Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир, шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш тўғрисида.

● Фақат оила ғамини еб яшаш ҳайвоний очкўзликдир, бир киши учун яшаш тубанлик, фақат ўзи учун яшаш шармандаликдир.

● Оилавий ҳаёт ўзаро муҳаббат билан боғланган бўлса, катта бахт келтириши мумкин.

● Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин.

● Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

● Яхши хотин билан яшаш — ҳаёт бўронларида сенга бир панохдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса — қулбангга кўтарилган бўрондай гап.

2005 — Сихай-саноматик йили

ШАРҚ ТАБОБАТИ— БЕБАҲО ХАЗИНА

Замонавий тиббиёт илмига буюк табиб Абу Али ибн Сино томонидан кўхна Бухорода яратилган «Тиб қонунлари» асос солгани ҳеч кимга сир эмас. Дунё тиббиёт мактабларида қарийб олти юз йил давомида асосий дарслик сифатида фойдаланилган бу асарнинг шон-шўхрати ҳам ўзбек халқи табобатининг кўп минг йиллик тажриба ва аъёналарга эғалигидан далолатидир.

олдига мақсад қилиб қўйди.

Собик шўролар даврида 1926 йилдаги муҳим қарор билан юртимизда халқ табобатини зимдан туғатиш, табибларни қатъий жазолаш ва уларнинг даволаш воситаларини мусодара қилиш ишлари амалга оширилган эди. Аммо Истиклол туфайли халқ табобати яна халқнинг ўзига қайтарилди. Халқро солиқ-ни сақлаш ташкилотининг халқ табобати бўйича дастури асосида, қонунчилик идораларига шифобахш гиёҳлардан халқ саломатлигини асраш йўлида фойдаланишни мураккаблаштирадиган амалдаги қонунларни ўзгартириш бора-бора аниқ тақдирлар киритилди. Бугунги кунда халқ табобати аъёналарини давом эттирадиган ҳақиқий табиблар сулоласи вақиллари тажрибаларини кенг ўрганиш, фойдаланиш ва уларнинг фаолият олиб беришлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Хозирда Ўзбекистон халқ табобати Академиясида 40 дан зиёд ходим ишлайди. Мамлакатимиз микросида 80 дан ошмиқ табиб расмий рўйхатга олинмиқ фаолият юритмоқда. «Шарқ табобати» журналі ҳам халқимизнинг саломатлигини тиклаш йўлида ўз ўғити-маслаҳатлари билан асқотаяпти. Яна шуниси қувончлики, Тош-

кент шаҳрида биринчи маротаба Ўзбек халқ табобати шифохонаси ташкил қилинмоқда. Бу ерда беморларга бепул маслаҳат берилади ва ташхис қўйилади. Шифохонада асосан қандли диабет касаллиги билан оғирган беморлар даволанади. Касалликка қарши Академияда «Хусайин» халдорилари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур халдорилар Россия, Эстония мутахассислари тажрибасидан ўтказилган.

1500 квадрат метр ер майдонида жойлашадиган шифохонанинг шу ойда ишга туширилиши мўлжалланган.

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги бебаҳо бойлиқдир. Халқ табобати эса бу йўлда саломатликини асраш тизимини таркибий ва ташкилий жиҳатдан мукаммал ҳолатга келтиришига ишонамиз. Мақоламиз сўнгидан халқ табобати хазинасидан баъзи бир ўғитларни оқшомхонларга тавсия қиламиз.

● Газета, китоб қозғоларга овқат, нон ўраш қарор, унда кўроғин моддаси бор.

● Буйрагингиз оғирса, ҳар кун тарвуз, бодиринг кўп тановул қилинг. Улар ювиш хусусиятига ҳам эга.

● Беҳи уруғини янчиб, истеъмол қилиш юрак хасталигига даво.

● Инсон жиғари 4 нарсани — хом қарам, творог, қатик, нон ва асални хуш қўради.

● Соппа-соғ одам ҳар йили ўзини офтобга тобласа, янада соғлом бўлади.

● Бодом ва шакар еб туринг. Мияга қувват беради, ақлни зийда қилади.

● Хом бақлажон қанд касаллиги даводир.

● Шафтоли баргининг қайнатмасини ичиш иситмани туширади.

● Кўк чой хотирани яхшилаиди, фикрлашни ривожлантиради. Қон босимини пасайтириб, бадандаги ёғларни эритади.

Шунингдек ўз терисини тарағлаштириб, ажинларни қамайтиради. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. АҚШнинг

Аризона штатидаги рақ касалликлари маркази ўзининг 25 йил давомида олиб борган тадқиқот натижаларини эълон қилди. Кўк чой рақ (саратон) касаллигининг олдини олар экан.


Бу фикрни бобокалонимиз Абу Али ибн Сино минг йил олдин Бухорода ёзиб қолдирган эди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА


Одамзод қадимдан юлдузларга интилиб, само қонунларини ўрганишга қараб қилиб келади. Қоинотда Ердан ташқари, ўзга сайёраларнинг ҳам мавжудлигини асослашга кўп назарий ва амалий ёндашулар бўлган. Ўзбек замини Абу Райхон Беруний, Ат Термизий, Ал Фарғоний, Мирзо Улугбек, аниқ фанлар соҳасидаги яна бир қатор буюк олимларни етиштириб, бутун дунёга танитди. XIV асрда Мирзо Улугбек биринчилардан бўлиб Самарқандда катта расадхона очиб, «Зижжи-жадиди-Курагоний» — астрономия асослари илмий назарияси ҳамда 1018 та юлдузлар жойлашуви каталог-харитасидан иборат янги астрономик жадвални ишлаб чиқди. Орадан олти аср ўтган эса Ўзбекистон ўғли Владимир Жонибеков ва ўзбек миллиятига мансуб Солижон Шарипов буюк аждодимизнинг орзусини рўйга чиқаришга — қоинотни забт этиб, юлдузлар билан ёнма-ён бўлишга муваффақ бўлдилар.

Бугунги кунда Самарқанд астрономия илмий мактаби математика, ядровий физика, астрономия, кибернетика, бошқа соҳаларда ҳам илмий кадрларни етиштириб берувчи илм-техника мактаб даражасига етди. Ўзбекистон авиация санъати ривожланган етти давлатдан бири ҳисобланади. Утган 60 йилдан зиёд

га яхши имкониятдир, чунки келажакда космонавт бўлмоқчиман. Бу шунчаки истак ёки



орзу эмас, балки олдимга қўйган мақсадим ҳамдир ва бугунги кунда унинг амалга ошиши учун астойдил ҳаракат қилияпман. Ҳақиқатан ҳам бу йили мен Подмосковьедаги Звездный шаҳарчасида бўлиш бахтига эришдим. У ерда ўзим учун кўп нарсаларни кашф этдим десам адашмайман. Звездный шаҳарчасида фазо кемасида парвоз қилиш насиб этган кўпгина кос-



Воҳидов ёшлар жамғармаси билан алоқаларимиз йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда, биз кўплаб қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, мазкур жамғарма бу йили Франциянинг Лион шаҳрида Халқаро аэрокосмик мактаби каби фарзандларимиз орасида истеъдодларни кашф этиш мақсадини ўз олдига қўйган «Еш муҳандислар» ташкилоти томонидан ташкил этилган конгрессда иштирок этди. Халқаро миқёсда бўлиб ўтган ушбу тадбирда ўнлаб давлатлар вакиллари қатнашди. Янги ҳамкорларимиз орасида Халқаро аэрокосмик мактаби катта қизиқиш уйғотди ва улар ташкилий қўмита аъзоллигига қабул қилиш юзасидан истак ҳам билдиришди. Бу дегани яқин кунларда халқаро мактабнинг сафлари анча кенгайиши кутилмоқда...

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Халқаро аэрокосмик мактабнинг асосий ўқув-амалий машғулотлари табиат қўйида — Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Қизилсой сўлим гўшаси бағрида ўтказилади. Аёнана содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Кичик юлдузлар академиясининг 17 мавсуми очилишига бағишланган маросим, юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтди. Тантанали тадбир доирасида Академия президенти Бехзод Йўлдошев ва Астрономия институти директори Шухрат Эгамбердиев ўз маърузаларида ёшларни илк бор қоинотнинг сир-синоатларидан воқиф этдилар. Олимлар илм-фаннинг жаҳон миқёсидаги ютуқлари ҳақида гапирар эканлар, кейинги йилларда ўтказилган космик тадқиқотлар натижасида катта ўзгаришлар юзга келганини, шу билан бирга инсонлар онгидида ҳам қоинот ҳақидаги тафсилотлар бутунлай ўзгариб бораётганини таъкидлаб ўтдилар. Бугунги кунда бизнинг галактикада икки миллиардга яқин юлдузлар қайд этилганининг ХХI асрда илм-фанда эришилган ютуқлар буюк аждодимиз Улугбекнинг кашфиётларидан нечоғлик ўзиб кетганидан далолатдир.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бу йил биринчи мартаба Халқаро аэрокосмик мактабнинг очилиши олдидан Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида «Ерда ва орбитада» мавзусида махсус кўргазма ташкил этилди. Айни пайтда давом этаётган ушбу кўргазмага қўйилган экспонатлар орасида 1998 йилда астронавт Солижон Шарипов космосга илк бор парвоз қилиш пайтида ўзи билан олиб чиққан Ўзбекистон Давлат байроғи кўпчиликлда катта таассурот қолдирмоқда. Солижон Шариповнинг бу олижаноб ҳаракати Ўзбекистон Президенти томонидан юксак баҳоланди. Ўзбек космонавти Солижон Шарипов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон байроғининг қоинот юзини кўргани буюк Улугбекка бўлган ҳурмат ва эҳтиромдир, унинг инсоният цивилизациясининг дастлабки босқичларида илм-фан ривожига қўйган бебаҳо ҳиссасининг ёрқин белгиси ҳам, деб ҳисоблаш мумкин, — дейди Солижон Шарипов. — Мана ўн йилдирки, мен Халқаро аэрокосмик мактабда ёшларимизга космонавтика сабоқларидан дарс бериб келмоқдаман. Болаларимизни кўп нарсани қизиқтиради ва бу борада уларнинг ҳар бир саволига жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан. Бунинг ажбланарли томони йўқ, чунки биз, ҳамма космонавтлар шу мактабни ўтаганимиз, яъни бизда ҳам космонавтига бўлган ихлос оддий қизиқишдан, «бу нима» деган саволлардан, варрак учиршидан бошлангандир. Бугунги кунда тарбияланувчиларимизнинг аксарияти нафақат Ўзбекистон, балки Россия, бошқа давлатларнинг олий ўқув юртиларида тахсил олмоқда, институт ва университетлари битирганлари эса илм ва техника ривожига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Бундан фақат фخرланиш мумкин...

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

КИЧИК ЮЛДУЗЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Шу кунларда «Кичик юлдузлар академияси» номини олган Халқаро аэрокосмик мактабда ўқув ва амалий машғулотлар давом этмоқда. Аёнана кўра, унинг дастлабки машғулотлари Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Бехзод Йўлдошев ва Астрономия институти директори Шухрат Эгамбердиев маърузалари билан бошланди.



Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти ҳам катта илмий салоҳиятга эга даргоҳдир. Унинг негизидagi Майда-нак расадхонасининг ўзаро ҳамкорлик соҳасида бўлган илм соҳалари — астрономия ва аэрокосмонавтиканинг илмий ва амалий ривожига аҳамияти каттадир.

Буларнинг дебочаси — Халқаро аэрокосмик мактабни эса айни пайтда авиация ва космонавтика соҳасида бўлажак кадрларни тайёрловчи билим ўчоғи десак муболаға бўлмайди. Мазкур мактаб академик Шавкат Воҳидов ва ҳамюртимиз космонавт Владимир Жонибеков ташаббуси билан 1989 йилда ташкил этилган ва дастлабки кунларданок халқаро макомга эга бўлди. Унинг фаолияти кўплаб давлатларнинг табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги машҳур олимлари томонидан кўллаб-қувватланди. Бугунги кунга келиб эса Халқаро аэрокосмик мактаби МХД давлатлари, Болгария, Буюк Британия, Германия, Франция, Покистон, АҚШ мамлакатларини бirlаштирган. Мактабда ўқув машғулотлари белгиланган вақтда, йилда бир марта 12 кун давомида олиб борилади. Нега айнан 12 кун? Шубҳасиз, бунинг ўзига хос раъсий маъносига бор бўлса керак. Масалан, само жисмлари шу рақам доирасида ҳаракатланиши яхши маълум...

Ҳар йили халқаро мактабга турли вилоятлардан ўзини математика, физика фанларида намойён этган, ракета ва авиамоделлизм, компьютер моделизми билан шуғулланувчи, авиация ва космонавтикага катта иштиёқи бўлган 40-50 дан зиёд ўғил-қизлар ўқиш учун танлаб олинади. Уларнинг ўқишлари фақат соҳага оид маърузаларни тинглаш билан қийофланиб қолмасдан, балки учирши аппаратларини бошқариш боракида ҳам ўз кучларини синая қўришга муваффақ бўладилар. Бундан ташқари, мазкур мактаб тарбияланувчиларининг кўпчилиги, масалан, Россия Космонавтлар тайёрлаш маркази билан яқиндан танишишга эришган. Қорақалпоғистонлик Ўзалхон Матахилова астойдил ҳаракатчанлиги туйғулган шундай имкониятни кўлга киритганлар сирасига қиради.

Халқаро аэрокосмик мактаби машғулотлари учинчи мартаба қатнашимиз. Биринчи марта бу мактаб ҳақида «Туркистон» газетаси орқали билгандим. Ушбу нашрда Халқаро аэрокосмик мактабига ўқишга кириш шартлари, жумладан тест саволлари мунтазам равишда чоп этиб келинар экан, — дейди Ўзалхон. — Мен астрономия ва физикага жуда қизиқаман. Аэрокосмик мактаби мен учун бу фанлар бўйича билимларини чуқурлаштириш

монавтлар билан бевоқиф мулоқотда бўлдим. Буларнинг ҳаммаси меннинг космонавт бўлишга ишончимни янада мустаҳкамлашга туртки бўлди. Қолаверса, мен Звездный шаҳарчасининг сайтлари бўйича тез-тез «саёҳат»га чиқиб тураман ва ҳар бир танловда қатнашганга ҳаракат қиламан. Звездный шаҳарчасига боришим ҳам тасодифий эмас — мен галдаги танловда галиблигини кўлга киритдим...

Фахриддин Сайидовимов ва Фарҳод Икромов пойтахтдаги 41- ва 128-мактабларда тахсил олишди ва биргаликда ўқувчилар саройидаги авиамоделлизм тўғрисида қатнашдилар. Утган бир неча йил давомида Фахриддин ва Фарҳод кетма-кет учиб мосламаларини тайёрлаш бўйича танловларда галиб бўлганликлари боис эндиликда Халқаро аэрокосмик мактабига йўлланма олишди.

Тўғрақдаги машғулотлар ҳозирча биз учун бир ҳавас, — дейди Фахриддин. — Халқаро аэрокосмик мактабда орттирган билимларимиз, машҳур олимлар, космонавтлар билан учрашувлар, уларнинг қизиқарли дarsларидан баҳраманд бўлиш биз учун ўз келажғимизни белгилаб олишимизда яхши пойдевор бўлади деган умиддамиз.

Таъкидлаш ўринлики, Халқаро аэрокосмик мактабнинг ташкилий қўмитаси ҳамда ўқувчилари таркибига Кристин Дебюзи — «Боинг» русумли йўловчи ҳамда юк ташувчи энг оғир ва энг мураккаб самолётларни бошқарадиган ягона аёл ҳам қиради ва унинг ҳали бирон-бир сабаб туйғулган Халқаро аэрокосмик мактаби машғулотларида қатнашмагани кузатилмаган.

Ўзбекистондаги Аэрокосмик мактаби меннинг шартли иш режамга қиради ва бунинг учун олдиндан алоҳида таътил кунларини ҳам белгилаб оламан. Болалар олдида масъулиятимиз — доимо ҳис этиб тураман, зеро улар бегуборлиги боис ишонувчандир, демак олдиндан ким ва нима хусусида машғулот ўтказилиши яхши билишди ва бунга тайёргарлик ҳам қўришди. Уларнинг ишончини йўқотишни асло истамайман. Бу ерда биз болаларимизни нафақат дунё, фалак хусусидаги илмий тушунарлардан воқиф қиламиз. Шулар қаторида қилаётган сайёҳаракатларимизнинг тарбиявий аҳамиятини ҳам унутмаслигимиз лозим, чунки аксарият ҳолларда болалар онгига айнан шу йўналишдаги жиҳатлар сингиб боради, — деди биз билан суҳбатда Кристин Дебюзи. — Шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқчи эдимки,

Шарҳовчи минбари ЯПОНИЯ МУДОФАА СИЁСАТИНИ ЯНГИЛАМОҚДА

Япония бош вазири Жунъитиро Коидзуми раҳбарлик қилаётган Либерал-демократик партия амалдаги конституцияга ўзгаришлар киритиш лойиҳасини ишлаб чиқди. РТАТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, мазкур ҳужжатда мамлакат ўз-ўзини мудофаа этиш қучларига армия мақомини ва хориждаги тинчликни сақлаш операцияларида иштирок этиш ҳуқуқини бериш масаласи киритилган.

Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан сўнг АҚШ талаби билан қабул қилинган асосий қонунга мувофиқ Япония армияга эга бўлиш ҳамда коллектив хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Бироқ бугунги кунда Кунчикар мамлакат мудофаа қучлари НАТО аъзолари бўлган Буюк Британия ва Италияниқига нисбатан сон жиҳатдан катта. Ҳозир Япония қурулган қучларида жами 240 минг киши хизмат қилаётди.

2004 йил бошида мамлакат Ироққа ҳарбийларини юборди. Япония ракетадан мудофаа тизимини яратиш бўйича АҚШ билан биргаликда иш олиб бораётди. Тезкор махсус жанговар бўлинмаларни шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2006 йилнинг мартига бориб, Японияда барча қўшин турларининг жанговар ҳаракатларини бошқариб турувчи ҳарбий штаб тузиш режалаштирилган.

Жорий молиявий йилда мудофаа эҳтиёжлари учун салкам 43 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Расмий Токио хавфсизлик сиёсатини ўзгартиришга бундай даражада катта аҳамият берилишини халқаро террор таҳдидининг кучайиб бораётгани ва унга қарши қураш чораларини кучайтириш зарурлиги билан изоҳламоқда.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Спорт

ЯНГИ ТАНЛОВ
БОШЛАНДИ

Кейинги пайтларда юртимизда аёллар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, олимпия ҳаракатини янада тараққий эттириш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитасининг қўллаб-қувватлаши остида «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида «Спорт қиролчаси — 2005» республика танловининг ташкил этилиши ҳам бу борадаги хайрли ишлар қаторига қиради.

Янги танловнинг Низомига кўра дастлабки босқичда олимпия спорт турлари бўйича ҳар бир спорт федерацияси томонидан номзодлар кўрсатилади. Бироқ уларнинг маҳорати ва тажрибаси анчайин юқори бўлиши талаб этилади — спортчи аёллар камидида спорт усталигига номзод талабларини бажарган бўлишлари лозим. Саралаш мусобақалари 20 сентябрда қадар бўлиб ўтади.

Хозиргача Республикаимизнинг икки юздан ортиқ етакчи аёл спортчилари танловда қатнашиш истагини билдиришди. Улар орасида спортнинг энгил атлетика, акробатика, камондан отиш, кўл түпи, бадий гимнастика, трамплин, шахмат, от спорт турлари бўйича қитъа чемпионатлари, йирик халқаро мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари бор.

Бу гал уларнинг спорт майдонларида эмас, балки бошқа жиҳатдан ўз маҳоратларини намоён этишларига тўғри келади. Яъни етакчи спортчи қизларимиз ўз аёллик назорат нафосатлари, миллий урф-одат ва удумларимиз, чет тилларини билишлари, пазандалик маҳоратларини кўрсатадилар. Фолиблар эса ҳар хил йўналишлар бўйича аниқланади.

«Спорт қиролчаси — 2005» шоу-танловининг голибларини аниқлаш ва уларни тақдирлаш маросимини сентябрь ойининг охирида ўтказиш режалаштирилмоқда.

ЎСМИРЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Японияда 12 мамлакат вакиллари иштирокида ўсмирлар ўртасида ўтказилган эркин кураш бўйича қитъа биринчилиги мусобақаларида ҳамшаҳарларимиз юқори натижаларга эришишди.

Жумладан, ўз вазнларида Уктам Тўйев ва Нигмат Эшатаевлар хурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан жой олишди. Яна икки спортчимизнинг кумуш ва бронза медалларини кўлга киритиши терма жамоамизнинг умумкоманда ҳисобида фахрли унвонини эгаллашига имкон яратди.

(Ўз мухбиримиз)

«МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ»

«Мафтункор ранглар олами» ўнинчи халқаро бадий кўрик-фестивалнинг якуновчи босқичи бошланди. Ҳар йили энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бадий академия, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти, «Енграг» халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда «Мафтункор ранглар олами» фестивалини ўтказишди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга ғамхўрлик кўрсатишмоқда, жисмоний имкониятлари чекланган инсонларни реабилитация қилишга катта эътибор берилмоқда, улар таълим олиши, касб эгаллаши, даволаниши учун кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан бу соҳада қатор муҳим тadbирлар ўтказилмоқда.

«Мафтункор ранглар олами» болалар расмлари танлови бунинг яққол далилидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида танловнинг ҳудудий босқичлари муваффақиятли ўтказилди. Бу илк танловнинг финал босқичида нафақат мамлакатимиздан, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, Жанубий Корея ва Афғонистондан юзга яқин ноғирон бола ўз расмлари билан қатнашди.

Кўрик-танлов тиббий ёрдамга муҳтож болаларнинг иқтидорини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, улар жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашди. Бу галги танловнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг доирасида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан истеъодли болаларнинг чиқишлари ўтказилди.

Танлов якуний босқичи-

нинг асосий тadbирлари Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Йик ота жамоа хўжалигида жойлашган «Енг Нак» реабилитация марказида ўтади. Tadbир доирасида болаликдан ноғиронлар муаммоларига бағишланган халқаро семинар ташкил этилади. Шунингдек, тиббий ёрдамга муҳтож болалар шифокорлар кўригидан ўтказилади, ноғиронлар аравачалари ва бошқа воситалар билан таъминланади.

Танлов доирасида мамлакатимиз рассомлари асарлари кўргазмаси, эстрада усталари ва ёш ижроклар концертлари ҳам ўтказилади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида мактаб ўқувчилари орасида «Ёзги таътил — 2005» спорт мусобақалари кизгин давом этмоқда. Худди шундай тadbирлар пойтахт туманларида ҳам ташкил этилмоқда.

«ЁЗГИ ТАЪТИЛ — 2005» СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИ

Маҳалла болалари ва таътил кунларини уйда ўтказиётган мактаб ёшидаги ўқувчилар ўртасида ташкил этиб келинаётган мазкур мусобақалар, уларнинг дам олиш кунларини мазмунли ўтишини таъминлашда ва ўсиб келаётган авлоднинг спортнинг оммавий турларига жалб қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Унга нафақат пойтахт балки юртимизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларидаги ўқувчи-ёшлар жалб этилмоқда. Шундай тadbирларнинг бири пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 31-мактабда ҳам ташкил этилди.

Унда ўқувчи-ёшлар кўл түпи бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. «Ёзги таътил — 2005» спорт тadbiri пойтахтимизнинг «Умид» спорт мажмуасида ҳам бўлиб ўтди. Албатта бу ташаббус юртимизда илк маротаба ташкил этилаётган бўлиб, у уч босқичдан иборат бўлди. Ушбу тadbир Маданият ва спорт ишлар вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди. Мазкур мусобақаларнинг сўнгги босқичи 15-25 август кунлари ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Республика киносчилар уйда академик, олим Эдвар Эдфалатин ҳаёти ва ижодида бағишланган янги ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Академик Эдвар Эдфалатин Марказий Осиё маданияти ва тарихини ўрганишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшган олимлардандир. У мамлакатимиз қазилма бойликлари, тарихий маданияти, урф-одатларини ва Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларини чуқур ўрганган. Археологининг ҳаёти ва ижоди ҳақида кинорежиссёр Саид Ботир Аҳмадхўжаев томонидан суратга олинган фильм номи «Академик Эдвар Эдфалатин» деб номланди. Фильм сценарийсини киносценарист Раъно Солиҳова ёзган. Тақдимот маросимида фильм ижодкорлари олимнинг Марказий Осиё тарихини ўрганишда қўшган ҳиссаси, фильмда қаҳра-

мон образини яратиш қандай кечгани ва суратга тушириш жараёни ҳақида тўхталишди. Кинодраматург Раъно Солиҳова ва режиссёр Саид Ботир Аҳмадхўжаев ҳамкорлигида ажодларимиз Ҳожи Ахрор Вали, Ғийдуловнинг, Занги-ота, замондошларимиздан эса Озод Шарафидинов ва Абдулла Орипов ҳақида бир қанча ҳужжатли фильмлар яратилган. «Академик Эдвар Эдфалатин» номли ҳужжатли фильм ҳам ана шундай фильмларнинг яна биридир. Ушбу фильм тез орада телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Корхоналар, жамоат
ташкilotлари ва фуқаролар
диққатига!

«Ўрикзор» даҳасида жойлашган ва барча
қулайликларга эга «Гулбаҳор» болалар
оромгоҳига август ойига 6-12 ёшли болалар
учун йўлланмалар сотилади.

Тўлов тури — пул ўтказиш ёки нақд тўлов.

Мурожаат учун телефонлар:

134-32-02; 134-72-44; 199-37-90.

Тошкент тижорат техникуми томонидан Насырбекова Гулбаҳор Махмудбековна номига 1997 йилда берилган № 141467 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги И.Усмон номи 200-умумий ўрта таълим мактаб томонидан 2005 йилда Матвалиев Акмал Атахомович номига берилган U № 1536954 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 287-ўрта мактаб томонидан 2005 йилда Умарова Мамлакат Махмуджоновна номига берилган U № 1551800 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма таъбиқ офсет усулида
босилади.
3724 нусxada босилади. Қўлдан бичилиш А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиш ва сақлалади.

«Шарқ» нашрий-таъбиқ акцидорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.